

ЖЎРЖ ДАНДИН

(ўзича)

Душанба куни 7 июнда Озарбайжон тиётр мактабидаги талабаларимиз таникли Молйернинг шу номдаги асарини ўйнадилар. Ёлгиз франсиялиларнинггина эмас, балки бутун дунёнинг таникли кулги ёзгувчиси бўлгон Молйер шу билан бизнинг сахнамизда иккинчи дафъа кўринади. Унинг «Хасис» деган асари, Масков тиётр мактабимиз томонидан бултур ва узок йиллари бир мартадан ўйналиб ўтган эди. Бу сафар кўйилгон асарни янглиш танлангон дея олмаймиз. Муни танлаш билан бокули талабаларимиз яхши иш қилгонлар. Асар, энг ялғари, битта-яримта актўрни ўсдиришга, тарбия қилишга ярайди. Сўнгра унинг кўйилишида ҳам ўрта асрларнинг қизиқ ва ғалати тарз (стиль) лари бор. Масалан: парда ҳамма вақт очик туради. Уюннинг бошланиш ва тугадини ходимлар эълон қилади. Ўюннинг бир қисми томошачилар орасида ўйналади. Асарда у вақт ёзгувчиларига қонундай бўлиб қолгон баъзи-бир асослар қузатилади, яъни: учала парда ҳам бир жойда, бир кўринишда кетади (жой бирлиги); воқеа бир кеча-қундуз орасида бўлуб ўтади (вақт бирлиги); ҳар қим ўз жупи билан чиқади ва бошқа-бошқалар. Ўрта аср тиётр тарзида ёзилгани учун, бу асар, ўзида бизнинг ўзбек томошачиларига анча яқинлик, нуқталари топа олар эди. Бу жихатни, ҳеч бўлмагонда тажриба йўли билан бўлса ҳам татбиқ қилиб қўрилганда, бизнинг эл ўюнлари асосига яқин нуқталарини ишириб қовартириб қўрсатилганда, яхши самара берар эди, балки...

Лекин, томошанинг энг заиф нуқтаси ҳам таасуфга қарши, шу «кўйилиш»дир. Гапнинг очигини айтганда, бизнинг маориф комиссарлигимиз ўз вақтида яхшироқ бир режиссёр учун керак бўлгон маблағни бермаган, берса ҳам оз берган, яхши режиссёр келмаган, келгани бўлса берилиб ишламаган... Узун сўзнинг қисқаси «кўйилиш» жихати қўб заиф чиккан.

Йигитларимиз ва қизларимиз чинакам тиришиб ўйнайдилар. Мумкин қадар тўла таъсир бериш учун жонбозлик қиладилар. Шундай бўлса ҳам, таъсирнинг мазаси унча бўлмайди. Қеракли жойларда талваса (хаяжон) етмайди. Балки, чикмай қолади. Ўюн ёгидан жуда қийматли, олтин фурсатлар сезилмай ўтуб кетади. Ўзингиз ўйланг ахир: Қаримжон, бизнинг энг қучли қулдирғучиларимиздан бири у қулгида рўлнинг руҳига қиради, ҳато ортдириб юборади. Шундай бир эркин қулдирғичга, қулгидан қўра қўбрак фожиаси бор бир рўлни берганлар. Шу учун унинг фожиали сўзлари ҳам, қулгили сўзлари ҳам бўш, талвасасиз, ишончсиз (неубидительный) чиқади, томошачи қулган

бўлса Карим кизикнинг гапига эмас,—Мольер адибнинг лутфларига, тазодларига, уста гапларига кулади; у кулишлар, пиесани тўппа-тўғри ўкиб берилган вақтда ҳам бўлмоғи мумкин. Каримга шу рўлнинг янглиш берилгани, бутун асарга таъсир килди, чунки, асарнинг жон нуктаси ўша рўлда, асар исми ҳам ўшанинг исмида. «Дандин» одам болалари орасида кўб учрайтургон иродаси заиф (слабовольный), бўшанг, ландавур кишиларнинг биридир. Асар, ўшанинг тирикликдаги фожиасини кўрсатади, ҳам жуда тўла кўрсатади. Унинг кулгили сўзлари ҳам кўз ёшлари орасидан айтилмағи керак; кўз ёшлари самимий бўлса, актёр рўлнинг рухига кирса, кўз ёшлари орасидан томиб кетган энгил кулги сўзлари ҳам томошачини кулдира беради. Кулдирганда ҳам талваса, изтироб билан кулдирадими, асл мазият шунда.

Кулдиргучи ва кизик Каримжонимиз фожага никобида чиккач, албатта унинг борлиги, асл жавҳари очилмади: шу учун бутун асарда мавжуд бўлгон аслик кўрилмади.

Сахнанинг ўз камчиликлари кўб, муни наркомпирўснинг кулогига шипшитамиз. Сўнгра энг охирда бир нарсани айтиб ўтайин: бу асарни мундан сўнг кўйгон вақтда, учта кора боланинг «ўюн бошланади» сини бирга тушуриш керак.

Ортикчаси зериктиради ҳам совук чиқади.

Жўрж Данден. — «Зарафшон» газетасининг 1927 йил 16 июнь сонидан босилган.

Мольер — Мольер, хакикий исми-шарифи Жан Батист Поклен (1622 — 1673) француз драматурги, актёри, театр арбоби. Катор комедиялар муаллифи, ҳақиқат ривожда француз комедиясининг отаси саналади. «Жорж Данден ёки ахмок килинган эр» номли комедияси 1688 йилда сахналаштирилган.

«*Москов театр мактабимиз томонидан*» — Мольернинг «Хасис» пьесаси 1925 йил 14 июлда сахнага қўйилган.

«Асл жавхари очилмади» — образнинг мохияти очилмади деган маънода кўлланяпти.